

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВА ОЛМОСХОН ИЛХОМЖОН ҚИЗИ

НИШОТИЙ МУНОЗАРАЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 82.09:821.512.133(092)Нишотий(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Абдурахмонова Олмосхон Илхомжон қизи
Нишотий мунозараларининг матний таҳлили.....5

Абдурахмонова Олмосхон Илхомжон қизи
Текстологический анализ мунозара (тенциона) Нишати.....25

Abdurakhmonova Olmoskhon Ikhomjon qizi
Textological analysis of discussions of Nishati.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВА ОЛМОСХОН ИЛХОМЖОН ҚИЗИ

НИШОТИЙ МУНОЗАРАЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1892 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муқимий номиаги Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (rezume)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўхлиев Боқижон

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодмонов Нафас Намозович

филология фанлари доктори, профессор

Амонов Шермуҳаммад Нормуротович ўғли

филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўз Р ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. С. Сирождинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.А.Жабборов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон адабиётшунослигида эътироф этилган ҳақиқатлардан бири шундаки, бадиий адабиётнинг инсон онгу шуурига, миллат маънавиятига кўрсатадиган таъсири бекиёсдир. Кўлөзма фондларда сақланаётган адабий ёдгорликлар – бебаҳо меросни матншунослик ва манбашунослик жиҳатидан ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини бадиий аҳамиятига кўра тадқиқ этиш ва манбаларни илмий таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу тобора ўзгариб бораётган жаҳон халқлари ҳаётида маънавий-миллий қадриятларни сақлаш ва тарғиб қилишнинг энг мақбул усули эканлигини бугун дунё тан олиб турибди. Ўтмишда яратилган кўплаб дурдона асарларимиз замиридаги маърифий ғояларни, миллатнинг, хусусан, ёш авлоднинг маънавиятини шакллантириш ва бойитишга ҳисса қўшадиган тадқиқотлар доираси тобора кенгайиб бораётгани бежиз эмас.

Дунё аҳлини бугун глобаллашув жараёнлари тобора кўпроқ безовта қилмоқда. Кўплаб мафкуравий хуружлар, оммавий маданият сингари таҳдидлар ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай иллатга қарши курашиш учун ўтмишда яратилган бой маданий меросдан ўринли ва оқилона фойдаланиш зарурий эҳтиёж бўлиб турибди. Дарҳақиқат, асрлар давомида сақланиб келаётган кўхна манбаларни ўрганиш, улардан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш, яъни ўсиб келаётган ёш авлодга ўтмишда яратилган кўплаб асарлар мазмунини тўла ва тўғри ҳолда етказиш жиддий ва долзарб муаммодир.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги йилларда матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида бир қанча ишлар амалга оширилди. Сир эмаски, матн таҳрири масаласи муҳим илмий муаммолардан биридир. Дунё матншунослигида ушбу муаммо – матн таҳрири анча чуқур ўрганилгани ҳолда мамлакатимизда ҳали ҳануз етарлича тадқиқ этилган эмас. “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”¹. Бу фикрларни Муҳаммад Ниёз Нишотий ижодига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Тўғри, шоир адабий меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ матншунослик ҳамда манбашунослик соҳасида Нишотийнинг адабий меросини адабиётшунос олимларнинг меҳнатларини эътироф қилган ҳолда қайта ўрганиш ҳам айни заруратдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Қарор // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 24 июнь.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 11 мартдаги 139-сон Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар матншунослик ва адабий манбашуносликнинг назарий масалалари бўйича салмоқли ишлар олиб борилди. Жумладан, П.Шамсиев, И.Султонов, Э.Рустамов, А.Қаюмов, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, М.Ҳақимов, Қ.Каримов, Қ.Маҳмудов, Н.Жумахўжа, Б.Тўхлиев, В.Раҳмонов, Қ.Содиқов, Ш.Сирожиддинов, Н.Жабборов, Э.Фозилов, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов, О.Жўрабоев, Қ.Пардаев, С.Эшонова² каби бир қатор олимларнинг

² Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н. ... дис. – Тошкент, 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д... дис. – Тошкент, 1970; Султонов И. Навоийнинг “Мезонулавзон”и ва унинг критик тексти. Фил.ф.н. ... дис. – Тошкент, 1947; Рустамов Э. “Хамса”нинг сўнгги нашри ва текстологияга оид баъзи масалалар // Ўзбекистон маданияти газетаси. – Тошкент, 1959. 5 сентябрь; Қаюмов А. Турк назмида тортиб қалам... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 1990. 7 декабрь; Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959, – Б. 5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. / Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б. 56-63; Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: “Давр Пресс” НМУ, 2013. – 495 б.; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. / Нашрга тайёрловчи: Каримов Қ. – Тошкент: Фан, 1971; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972. – 300 б.; Жумахўжа Н. То тузди Навоий ояти ишқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 1990. 9 ноябрь., Дебоча матни мукамалми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 18 март., Янги илмий-танқидий матн // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 28 октябрь; Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017. – В. 220. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз, 2014; Раҳмонов В. Эмас осондур бу майдон ичра турмоқ... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 4 февраль; Мумтоз сўз сеҳри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 440 б.; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015.- Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – Б. 99-105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари / “Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насаф, 2019. – Б. 3.7; Фозилов Э. Матнчи масъулияти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 17 июнь; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Тошкент, 1997; Алишер Навоий «Хамса»си талқини (XV – XX аср

тадқиқотлари бунинг далилидир. Лекин қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам оз эмас. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганиш аввало матн тадқиқидан бошланиши зарур. Бу масала Нишотий мунозараларига ҳам алоқадордир.

Мунозара жаҳон адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган. Айниқса, унинг ёзма ва оғзаки шакллари ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилиш ишига А.Н.Веселовский, Д.С.Лихачев, В.М.Жирмунский, Е.Э.Бертельс, К.И.Чайкин, М.С.Ваитс ва Ш.Бенли каби олимлар катта ҳисса қўшган. Мазкур тадқиқотларда мунозара жанрининг табиати, генезиси, бадиияти борасида жиддий мулоҳазалар билдирилган³.

Ўзбек адабиётшунослигида мунозара жанри, шунингдек, Нишотийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Бу соҳадаги илк тадқиқот В.Абдуллаев номи билан боғлиқ⁴. Х.Расулов⁵, М.Қосимова⁶, Б.Валихўжаев⁷, М.Ҳамидова⁸, В.Раҳмонов⁹, Айёмий¹⁰, М.Абдувоҳидова¹¹, И.Исмоиловларнинг¹² тадқиқотларида Нишотий ижоди, бадиий маҳорати ва нашрий матнлардаги айрим ўзига хосликларга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, шоир асарларининг тил хусусиятлари ҳамда ижодининг турли кирралари махсус ўрганилган¹³.

боши). – Тошкент, Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Т., 2019; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий манба. – Т.: Muharrir, 2009. – Б. 22-26; Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 184-185; Жўрабоев О. Матннинг матноности сирлари. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – 200 б.; Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол фанлари д-ри (DSc) ...дисс. – Тошкент, 2020. 310 б.; Эшонова С. XX аср бошларидаги Қўқон шоирлари (Нисо ва Хоний). Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2006. – 185 б.

³ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – 404 с.; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М.: Наука, 1979. – С. 55; Текстология. Краткий очерк. – М.: Л.: Наука, 1964. – 102 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Ленинград: Наука, 1979. – 495 с.; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва, Наука, 1960. –240 с.; Чайкин К. И. Асади старший и Асади младший. – сб.: “Фердовси”, – Ленинград: 1934. – 133 с.; Waites M.C. Some Features of the Allegorical Debate in Greek Literature. – Harvard Studies in Classical Philology, – 23 p., 1912. – P. 20-21; Benli Ş. Klasik türk edebiyatında münazara. Doktora tezi. – Istanbul, 2019. – B. 21.

⁴ Абдуллаев В. О поэте Нишоти и его поэме “Хусни Дил”, – Труды Тадж. учительск. ин-та, т. 3, – Самарканд, 1955. – С. 103–108; Хоразмдаги XVIII аср ўзбек адабиётида мафкуравий кураш (Алишер Навоий номидаги Ўзбек адабиёти университети илмий асарлари), янги серия, № 63, 1956. – С. 3-45; XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти. Автореферат. – Самарканд, 1958; Алишер Навоий традицияларининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилиши масаласига доир (XVII-XVIII аср шоирларининг ижодлари бўйича) // Шарқ юлдузи. 1959, № 4. 127-137-б; Нишотий лирикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960, № 6. – Б. 8-15; Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1960. – Б. 109; Сайланма // Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1982. – Б. 259-300.

⁵ Расулов Х. Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1962, 4-сон. – Б. 11-19; Ўзбек эпик шеърятда халқчиллик. – Тошкент, 1973. – Б. 29-56; XVIII аср эпик шеърятда Навоий аъналар ва новаторлик //Адабий мерос. – Тошкент, 1978, 11-сон. – Б. 43-48.

⁶ Қосимова М. “Хусну Дил” дostonларини яратиш традицияси ва Нишотийнинг шу номдаги асари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1969; Муҳаммаднӣз Нишотий. – Тошкент, Фан, 1975.

⁷ Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 55-57.

⁸ Ҳамидова М. Алишер Навоий ғазалларига ёзилган мухаммаслар мажмуаси. – Тошкент, 1981, 2(18). – Б. 29.

⁹ Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. Мақолалар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон, НМИУ, 2015. – 330 б.

¹⁰ Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 22-43.

¹¹ Абдувоҳидова М. Нишотийнинг “Шохбоз ва Булбул” мунозараси // Адабий мерос. – Тошкент, 1976. 6- сон. – Б. 63-66; Ўзбек адабиётида мунозара. – Тошкент: Фан. 1984. – 120 б.

¹² Ismoilov I. Nishotiy “Husn-u Dil” dostonining gʻoyaviy-badiiy xususiyatlari. ВМІ. –Toshkent, 2012.

¹³ Турсунов М., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 159-162; Абдувоҳидова М. Ўзбек адабиётида мунозара. – Тошкент: Фан, 1984. – 120 б; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. (XVII-XIX I

Турли йилларда иждокор асарларидан намуналар нашр этилган¹⁴. Бирок бу нашрларда Нишотийнинг адабий мероси тўлиқ ҳолда берилмаган. Жумладан, О.Шарафиддинов томонидан тузилган “Ўзбек адабиёти тарихи” хрестоматиясида адибнинг “Ўлайн” радиофили ғазали, Навоий ғазалига мухаммаси, бир мусаддасини бериш билан кифояланилган. В.Абдуллаевнинг “Хоксор ва Нишотий” монографиясида адиб шеърларини кўчиришдаги айрим хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Х.Расул ва И.Ражабов томонидан тайёрланган тўплам нисбатан тўлиқ экани билан алоҳида ажралиб туради. Тўпламдаги айрим ноаниқликлар хусусида М.Қосимова “Муҳаммад Ниёз Нишотий”¹⁵ рисоласи ҳамда В.Раҳмонов “Мумтоз сўз сеҳри”¹⁶ китобида танқидий мулоҳазаларини билдиришган. А.Ҳайитметов томонидан қисқартириб нашрга тайёрланган Нишотийнинг “Қушлар мунозараси” достони илк бор “Гулистон” журналида эълон қилинди¹⁷. Ушбу мунозара “Асрлар нидоси” китобида тўлиқ шаклда нашр этилди¹⁸. Адиб мунозаралари “Муборак мактублар” китобига ҳам киритилган.

Бундан кейин Нишотий асарлари чоп этилган эмас. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу ёдгорликнинг илмий-танқидий ёки йиғма қиёсий матни ҳанузгача яратилгани йўқ. Ушбу диссертация Нишотий мунозаралари махсус тадқиқ этилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достони таркибидаги мунозаралар ҳамда мустақил “Қушлар мунозараси” асарининг матний тадқиқини амалга ошириш ва илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбек адабиётида яратилган мунозара жанрига кирувчи асарларнинг умумий-типологик хусусиятлари, қадимги Шарқ адабиёти намуналарида мунозарага хос сюжетларнинг қўлланиши, муштарак ва фарқли жиҳатларини очиб бериш;

ярми) асрлар). – Тошкент, Адабиёт жамғармаси, 2006. – Б. 106-113; Adizova I. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi (XVI-XIX asr I yarmi) o‘quv qo‘llanma. – Toshkent, 2006. – Б. 178-189.

¹⁴Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. / Нашрга тайёрловчи: Шарафиддинов О. II том. – Тошкент, ЎзДав нашриёти, 1945. – Б. 112-114; Абдуллаев В. Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1960. – 109 б; Ўзбек адабиёти. III том. / Нашрга тайёрловчи: Зоҳидов В. – Тошкент, 1959. – Б. 445 – 467; Нишотий. Танланган асарлар. / Нашрга тайёрловчи: Мирзаев В. – Тошкент, 1960. – 88 б; Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Расулов, И.Ражабов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 440 б.

¹⁵ Қосимова М. Муҳаммадниёз Нишотий. – Тошкент: Фан, 1975. – 60 б.

¹⁶ Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2015. – 330 б.

¹⁷ Ҳайитметов.А. Қушлар мунозараси // Гулистон. – Тошкент, 1970. –№ (37) 1 – Б. 17.

¹⁸ Асрлар нидоси. / [Таҳрир ҳайъати: В.Зоҳидов ва бошқ; Масъул муҳаррирлар: С.Эркинов ва бошқ]. Нишотий. Қушлар мунозараси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 84-91.

Нишотий таржимаи ҳоли ҳамда унинг адабий меросини ўрганишга оид маълумотларни тўплаш ва илмий асосда текшириш;

шоир мунозараларини ўзаро қиёсий ўрганиш асосида нисбатан ишончли ва мукамал нусхасини аниқлаш;

Нишотий мунозараларининг қўлёзма ва нашр нусхаларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш ҳамда мунозара жанридаги асарлар йиғма-қиёсий матнини тайёрлаш;

мунозара жанридаги асарлар матнининг ялпи – транскрипцион вариантини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ҳусну Дил” достони таркибидаги мунозара жанридаги асарлар ҳамда алоҳида яратилган “Қушлар мунозараси” асари олинди.

Тадқиқотнинг предмети Нишотий мунозараларининг қўлёзма нусхалари билан жорий нашрдаги вариантларини қиёслаш, уларнинг йиғма-қиёсий матнини яратиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, тавсифий, таҳлилий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мунозара жанридаги асарларнинг пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти, юзага келиш сабаблари аниқланиб, Нишотий мунозаралари жанридаги асарлар туркуми ўрганилиб, жанрлар тараққиётидаги ўрни мисоллар орқали асосланган;

қўлёзма манбалар, тарихий маълумотлардан “Ҳусну Дил” достони матни асосида шоир ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотлар (туғилиш санасининг асосланиши, Бухорога кетиш сабаблари, дostonнинг кимга бағишланганлиги) илк марта илмий истифодага олиб қирилган;

Нишотий мунозараларига оид мавжуд қўлёзма манбалар доираси муайянлаштирилиб, бир манба (156 рақам остидаги қўлёзма)нинг шу пайтгача хато тарзда келаётган (каталогда ҳижрий 1351, аслида ҳижрий 1301) санасига аниқлик киритилган ва нусхаларнинг илмий, адабий ҳамда матний ўзига хосликлари кўрсатилиб, матний хатоларни тузатишга оид кўрсатма ва тавсиялар берилган;

мунозара жанридаги асарлар матнидан тушириб қолдирилган 56 мисра тикланган, Нишотийнинг мунозара жанридаги барча асарларининг йиғма-қиёсий матни тайёрланиб, уларнинг тўлиқ транскрипцияли варианты ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шарқ мумтоз адабиётида “мунозара” жанри генезиси, тадрижий такомили ҳақида адабиётшунослик ривожига хизмат қиладиган илмий-назарий маълумотлар келтирилган;

Нишотий мунозаралари қўлёзма ҳамда нашр манбаларининг монографик илмий тавсифи амалга оширилган;

адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан Нишотий мунозараларининг матний тадқиқи ва бадиий хусусиятлари таҳлил қилинган;

қўлёзма манбаларнинг тарихий-қийёсий таҳлили натижаси сифатида мунозараларнинг илмий ҳамда оммабоп нашрлардан фойдаланиш имконини берувчи матнлар тизими яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Нишотий мунозараларининг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 1997, 1266, 1198 рақамли ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги 156 рақамли, шу музейнинг Порсо Шамсиев архивидаги 778/2 рақамли қўлёзма нусхалари асосида ўрганилгани, Нишотий мунозаралари матншунослик ва адабий манбашунослик доирасида ишлаб чиқилган назарий методларни қўллаган ҳолда матний тадқиқ қилингани, келтирилган таҳлил, хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Нишотий ҳаёти ва ижодига оид тўлиқроқ илмий-назарий хулосалар чиқарилгани, натижаларнинг мумтоз шеърят поэтикаси бўйича билимларни чуқурлаштиришга хизмат қилиши, кўплаб илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги, янги адабий материалларнинг илк бор илмий таҳлил доирасига тортилиши, тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари борасидаги кузатишлар матншунослик, ўзбек адабиёти тарихи ва адабиёт назариясини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишдаги назарий умумлашма ва амалий таҳлиллардан мавзуга оид дарслик, қўлланма ва рисоалар яратишда, таълимнинг турли босқичларида, хусусан, умумий ўрта таълим ҳамда ихтисослаштирилган мактабларда ўқитиладиган адабиёт дарсларида, шунингдек, олий таълим тизимида мумтоз адабиётни ўрганишда “Матншунослик ва адабий манбашунослик”, “Шарқ мумтоз поэтикаси”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Мумтоз жанрлар тизими ва услублар типологияси”, “Мумтоз поэтика асослари” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нишотий мунозараларининг матний таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кадимги фолкълор ва туркий ёзма обидалар асосида юзага келган мунозара жанрининг кўп асрлик тараққиётини тадқиқ этиш натижалари асосида мунозара жанрининг Нишотий ижодидаги намуналарининг ўзидан олдинги намуналарига таяниб қўлёзма матнлардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда уларнинг тўғри илмий матнлари яратилишига доир назарий ва амалий хулосалардан Туркия Жумҳурияти Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг “Чиғатой туркийси” (ТЕД724), “Турк тили тарихи” I (ТЕД109), “Турк тили тарихи” II (ТЕД110), “Ўзбек адабиёти” (ТЕД323) дарсларида фойдаланилган. (Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг 2021 йил 28 июндаги маълумотномаси). Натижада талабалар Нишотийнинг

мумтоз сўз санъатининг намояндаси экани, мунозаранинг тадриж ва такомил борасидаги билим ва тасаввурлари кенгайган;

фолкълор намуналарининг луғавий ва истилоҳ маънолари, жанр спецификаси, генезисини ўрганишга оид назарий ва амалий хулосалар ФА-Ф1.005 рақамли “Қорақалпоқ фолкълоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2021) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг фолкълор жанрига оид қисмида фойдаланилган. (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 9 июлдаги № 17.01/145 маълумотномаси). Натижада “мунозара” жанрининг тадриж ва такомилга ойдинлик киритилиб, Нишотий мунозара жанридаги асарларининг чоғиштира-қиёсий таҳлили амалга ошишига хизмат қилган;

Нишотий мунозараларининг кўлэзма ва нашр хусусиятларини ўрганиш, матнларнинг қиёсий таҳлилин амалга ошириш, мунозаралар йиғма матнини тайёрлашнинг тамойилларини ишлаб чиқиш, мунозараларнинг транскрипцион матнини тайёрлаш, тузилган танқидий матн асосида юзага келадиган янги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУК қошидаги “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Такдимот”, “Очиқ дарс” кўрсатувида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон телерадиоканали”нинг 2021 йил 6 июндаги 02-40-1135-сонли маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 5 таси Республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 173 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, предмети, фан ва технологиялар ривожигаги устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Нишотий мунозараларини ўрганиш илмий муаммо сифатида**” деб номланган биринчи бобнинг “**Мунозара жанри**

моҳияти ва тадрижи” фаслида жанрнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, етакчи хусусиятлари, генезиси, жаҳон ва миллий адабиётдаги тараққиёти, бадиий-эстетик тафаккур тарихидаги ўрни ва аҳамияти кўратиб берилган.

Манбаларда мунозаранинг арабча **مناظره** сўзидан олингани, **“баҳс, тортишув”** маъноларини англатиши, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида турли жонли ва жонсиз нарса ёки жониворларнинг баҳслашуви, тортишуви тарзида юзага келгани баён этилади. У наср ёки назм услубида бўлиши мумкин. Мунозара жуда қадимий илдизларга эга. Қадимги Юнон, Рим ва бошқа жаҳон халқлари адабиётида ушбу жанр **тензон** ёки **тензона** (XII-XIII аср француз адабиётидаги баҳс-мунозара тарзидаги шеърларнинг қадимий номи) деб юритилган¹⁹. Бундай асарларнинг асосий мавзуси мусобақа, кураш, баҳслашишга қаратилган. Жамоатчиликнинг фикр алмашиш, долзарб мавзулар бўйича икки томон ўртасида баҳс ёки тортишув воқеалари тасвири ёритилган асарлар эса **дебат** (юнонча *diazar* - ўқийман) деб аталган²⁰. Зиддиятли тортишувлар ҳам мунозаранинг бир кўриниши бўлиб, уларда икки томон ўзининг кучли жиҳатини кўрсатишга интилган. Рақибининг заиф ва салбий томонларини танқид қилишга қаратилган мунозаралар **диспут** (лотинча *disputatio*) деб аталган²¹. Уларда диний ва илмий ҳақиқатни аниқлаш, маълум даражада тартибга солиш мақсадида олиб бориладиган низоларни бартараф этишнинг расмий йўллари акс этган.

Биринчи адабий мунозаралар Месопотамия цивилизацияси даври (ёзув пайдо бўлган милoddан аввалги 3600)да пайдо бўлган. Шарқ ва Ғарб адабиётида “Энтен (Қиш) ва Эмеш (Ёз)”, “Ёввойи дарахт ва Палма”, “Драхти Асурик” (“Хурмо дарахти ва Эчки”) ва б. жанрнинг илк намуналаридир²².

Туркий халқлар адабиётидаги мунозара қадимги фольклор билан боғлиқ. Унинг илк ёзма кўриниши XI аср (1030-1127)да Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида учрайди. Асардаги “Ёз ва Қиш” мунозараси 20 дан ортиқ тўртликларда акс этган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам мунозара мазмунига эга лавҳалар бор. Юсуф Амирий, Яқиний, Аҳмадий, Фузулий, Нишотийлар мунозара жанрининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида ҳам жанрнинг ўзига хос намуналари яратилган.

Умуман, мунозара қадимда Месопотамияда пайдо бўлган. Араб халқлари адабиётида ҳам ушбу жанр учрайди. Мазкур жанрнинг оммалашуви форс-тожик адабиёти билан боғлиқ бўлган. У туркий халқлар адабиётида ҳам қадимги замонларда шаклланган ва сайқал топган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Нишотий илмий биографиясини ўрганишда ижодий меросининг ўрни”** деб номланади. Унда ўзбек адабиёти

¹⁹ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь. – Санкт-Петербург: Брокгауз-Ефрон 1890-1907. <http://endic.ru/brokgause/Tensona-24771.html>

²⁰ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Дебаты // Энциклопедический словарь. в 86 т. (82 т. и 4 доп.).– Санкт-Петербург: 1890-1907. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Дебаты>

²¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Dispute>

²² Azkai P. صفحه اصلی منشأ مناظره‌های ادبی (ایران باستان و میانرودان). "پژوهش های ادب عرفانی (گوهر گویا) دوره 1، شماره 1، شماره 1، شماره 1" (2007. № 1. – P. 1-10.) https://jpll.ui.ac.ir/article_16245.html

тарихида ўндан ортиқ Нишотий тахаллусли шоирлар ижод қилгани, улар орасида ўз асарларини ўзбек тилида яратган, ўзбек адабиёти тарихида ушбу жанр ривожига катта ҳисса қўшган хоразмлик шоир Нишотийнинг ўрни катта экани илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Адиб кўплаб лирик асарлар ва “Хусну Дил” достонини ёзган. Достон таркибида бешта мунозара мавжуд. “Қушлар мунозараси” алоҳида маснавий сифатида яратилган. Адиб биографияси билан боғлиқ маълумотлар етарли эмас. Асосий маълумотлар унинг достонида, шунингдек, айрим тарихий ва адабий манбаларда учрайди. “Хусну Дил” достонининг 61-боби сарлавҳаси “Шоҳи Ишқнинг майбарлиғи била ул товуси хумопарвоз, яъни Хусни дилнавоз ул шоҳбозға, яъни Фуоди жонгудозға сайд бўлғони...” деб бошланиб, унда шундай мисралар ҳам битилган:

Муддати тарихини этсам баён,

Хатми Дилу Хусндур, эй нуктадон.

“Хатми Дилу Хусн” жумласидаги ҳарфларнинг абжод ҳисобидан (600 – خ, 400 – ت, 40 – م, 4 – د, 30 – ل, 8 – ح, 60 – س, 50 – ن) ҳижрий 1192 сони келиб чиқади. Бу милодий 1778 йилдир. Баёнийнинг гувоҳлик беришича, Абулғози Баҳодирхон ҳамда Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмронлиги оралиғидаги салкам икки аср вақт ичида ҳокимиятда 100 дан ортиқ хон алмашган. Муҳаммад Ниёз Нишотий ушбу зиддиятли ҳолатдан анча қийналиб, оғир солиқлар туфайли диёрини ташлаб, Бухорони макон қилгани тўғрисида “Хусну Дил” достонида маълумот беради:

Чархи дуний ногаҳ ўлуб бадмизож,

Кўйди бир унинг боши устига тож...

Молики амлок ўлуб, ул бож ўлуб,

Бизга иложи анинг ихрож ўлуб...

Хуллас, ўлуб мулку ватандин жудо,

Солдим ўзум гурбату шиддат аро.

Токи Бухоро сори қўйдим қадам,

Оҳ, бу хори аро бўлдим адам (1266 инв. 12^а варақ).

Аммо бу вақтдаги Бухоро хонлигининг аҳволи Хоразм ҳаётидан фарқ қилмас эди. Ўша йиллари ўлкада аштархонийлар ўрнига тахтга манғитлар сулоласидан Муҳаммад Раҳимхон (1753-1758 йй.) ўтирди. Бу халқ аҳволини янада оғирлаштирди. Нишотий шундай шароитда яшашига қарамай, бадий ижод билан шуғулланишда давом этади.

Шоир ҳаёти ва ижодига оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да²³, бу борада қилиниши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Ҳозиргача китобнинг яратилишига туртки бўлган шахс сифатида Жонмуродхон номи қайд этиб келинади. Унинг умумий жараёнга бевосита дахли исбот этилмаган. Унинг Нишотий яшаган замонда шахс сифатида мавжудлиги

²³ Қосимова М. Муҳаммад Ниёз Нишотий. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 28; Адизова И. Ўзбек адабиёти тарихи. XVI-XIX асар I ярми. 2-нашр. – Тошкент: Фан, 2009, – Б. 188.

кўрсатилган, холос. Ҳолбуки, кўлёмаларининг иккитасида Муҳаммад Амин Инок деган шахс номи тилга олинган:

*Файри ҳамул софи-ю софий мизож,
Ондин эди ишқ элига ривож.
Оти онинг эрди Амини замон,
Ондин эди нақши нигини жаҳон.
Кўнгли эди махзани асрори ишқ,
Табъи эди матлаъи анвори ишқ.* (156 инв., 326^{а-б})

У Нишотийга замондош давлат арбобларидан бўлиб, адабиёт ва санъатга, ижодкорларга катта эътибор берган. Аини мисралар шоирнинг Низомий ҳамда “Хамса”ларидан сабоқ олганини ҳам кўрсатиб турибди.

Нишотийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот берувчи асарлардан бири бўлган Ҳасанмурод қори Муҳаммад ўғли Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асарида “Нишотий ажиб суҳанвардур, Ки шеъри латофатлиғ шакардур” – дея шоирга маснавий бағишлаб, унинг бир ғазалидан мисол келтиради. Муҳаммад Юсуф Баёний ҳам Паҳлавонқули Равнақ ва Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг бир даврда яшагани ва иккала шоирнинг ўзаро “шўх йўсинда” мушоира олиб боргани ҳақида маълумот берадики, булар оз бўлса-да, Нишотий биографиясини ойдинлаштиришда фойда берди. Уларга таяниб шоир таржимаи ҳоли билан боғлиқ айрим ноаниқликлар бартараф этилди.

“Ҳусну Дил” достони таркиби “Боз ва Булбул”, “Даф ва Гул”, “Най ва Шамшод”, “Косаи Чин ва Наргис”, “Бинафша ва Чанг” номли бешта мунозарани ўз ичига олган. Достон мазмуни билан алоқадор ушбу мунозаралар бадий мукамаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Янипазарли Валидаги мунозаралар “Даф ва Гул” мунозараси Меҳрнинг зиёфати чоғида юз беради. Нишотий достони сюжети ҳам аини шу ҳолатда юз берган. Шунга қарамай, экспозициядан бошлаб ечимгача бўлган ораликдаги тасвирлар силсиласида воқеалар ривожини ҳам, тасвир мароми ҳам Нишотийда анча изчил, батафсил ва мантиқийлиги, бадий тасвир воситаларига бойлиги билан ажралиб туради. 106 байтли маснавий шаклидаги қофиялар айрича аҳамият касб этган. 14, 24, 26, 33, 35, 41, 45, 53, 54, 58, 59, 60, 61, 66 каби байтларда радиф қўлланган. Қофия ва радифга “Даф (Чилдирма) ва Гул” билан боғлиқ бўлган сўзларнинг сурилиши (*Гулгун эди: майгун эди (14); руд эди: Довуд эди (24); рухсор уза: гулзор уза; очилмоқ санго: сочилмоқ санго (53); гул киби: булбул киби (61); саркаш ниҳол: оташ ниҳол (66)*) бежиз эмас. Улар кўзда тутган мазмуннинг алоҳида урғу билан намоён бўлишида муносиб омил бўлган. Адиб тасвир давомида ҳар бир предмет ва ҳодисанинг ўзига хосликларига алоҳида эътибор беради. Ҳатто, қофия ва радиф танлашда ҳам ана шу тамойил устуворлик қилади:

*Оламари сан киби саргашта йўқ,
Давр элида толеъи баргашта йўқ* (85-байт)

Фикрнинг янгилиги, тасвир воситаларига бойлиги Нишотий байтларининг равон ва хушоҳанг бўлишини, таъсирчанлигини оширган. Уларнинг алоҳида қаҳрамонлар нутқи сифатидаги мавқеи эса буларга янада кўпроқ ўзига хослик бағишлаган.

Нишотийнинг “Қушлар мунозараси” асари ҳам ўзбек адабиётидаги бу жанрнинг гўзал намуналаридан биридир. У Тангрига ҳамд билан бошланади:

*Тангри оти била қилай оғоз,
Чунким улдур карими банданавоз.
Қодиреким²⁴ яратди “коф” ила “нун”,
Деди қудрат тилила Кун-фаякун.*

Ушбу бошланма қадимий туркий ёзма адабиёт анъаналарини эсга солади. Кейинроқ бутун ислом дунёсида “Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм” басмаласи таомилга киргани яхши маълум. XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб илк марта мазкур арабий шакл ўрнида унинг туркий тилдаги вариантыни қўллаган эди:

*Bayat ati birlä sözüg başladim,
Törütgän igidgän keçürgän idim²⁵.*

(Худо номи билан сўзимни бошладим, [Эй] яратган, парваришлаган, гуноҳларни кечирган Эгам.)

Нишотий “Қушлар мунозараси” маснавийси орқали ҳам аллегорик асарлар, ҳам мунозара жанри силсиласига яна бир ўзига хос бўлган намунани олиб кирди. Туркий адабиётдаги анъанани ўзи яшаган давр Хоразм адабий муҳитида давом эттирди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Достондаги мунозараларнинг тавсифи, наشري ва илмий-адабий таҳлили” деб номланиб, унинг илк фаслида **Нишотий мунозаралари қўлёзмаларининг илмий тавсифи** муаммоси ўрганилди. Нишотий мунозаралари акс этган қўлёзма манбаларнинг монографик тавсифи берилди. Айтиш лозимки, қўлёзмалар орасида муаллиф дастхат нусхаси келтирилмаган.

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида № 156 рақам ҳамда шу музейдаги Порсо Шамсиев архивида 778/2 рақам остида “Хусну Дил” достони ва “Қушлар мунозараси” маснавийси қўлёзма манбалари ўрин олган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар фондида 1266/1, 1997, 1198 рақамлари остида ҳам асар нусхалари сақланади.

1266 рақамли қўлёзма – “Хусну Дил” достонининг қадимий манбаларидан бири. Лекин қўлёзмада достон таркибидаги мунозараларнинг биттасигина сақланиб қолган. Кўчирилиш санаси ҳижрий каталогда 1190 (мил. 1776) йил. Котиби номаълум. Қўлёзма 135 варақдан иборат. Достон варақлари мисраларининг асосий устуни 21, ҳошиядаги йўли эса 24 сатрдан иборат. Матннинг кўчирилиши асосий икки устун ва ҳошияда ҳам давом этган.

1997 рақамли қўлёзма манба “Хусну Дил” достонининг номукамал нусхасидир. Кўчирилиш санаси ҳижрий 1192 (мил. 1779) йил. Котиби номаълум. Ҳажми 313 варақ. Манбанинг бошида ва охирида бўш бир варақ қўйилган. Қўлёзма ўлчови 22x14,5 см. Йўли 14/15 сатрдан иборат. Матнлар

²⁴ Қодир эгам маъносида

²⁵Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. / Mas‘ul muharrir: A.Rustamov. Nashrga tayyorlovchi: G‘.Abdurahmonov. – Toshkent, Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – B. 63. (– 240 b.)

кизил сиёҳдаги жадвал ичига икки устун ҳолида жойлаштирилган. Ҳар бир варақда пойгир бор. Асар туркий тилда битилган.

156 рақамли қўлёзма манба ҳижрий 1301 (мил. 1884) йили домла Муҳаммад Расул Мирзо томонидан Хоразмда кўчирилган мукамал нусхалардан бири бўлиб, хошиясида асосий матн намуналари безак сифатида битилган. Қўлёзма 364 варақ (728 бет)дан иборат, ўлчови 21x12. Йўли 13 сатрдан иборат. Қўлёзма муқоваси тери билан қопланган. Манбанинг хат услуби, имлоси котибнинг саводи пухта эканини кўрсатади. Фикримизнинг яна бир далили сифатида Юнус Юсуповнинг “Хоразм шоирлари” китобида Комил Хоразмийнинг ўғли Мирзо тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Расулнинг шоир, мусиқа арбоби ва котиб сифатида шуҳрат топгани, 500 дан ортиқ хаттот етиштиргани ҳақида маълумот учрайди²⁶.

778 рақамли 2-ҳужжатда Нишотийнинг “Мунозараи мурғон” (Қушлар мунозараси) достони қўлёзмаси жой олган. Китобат санаси ҳижрий 1247 (мил. 1830) йил. Қўлёзма китоб ҳолида бўлмаб, бир томонлама 15 варақдан иборат. Достон гўё ҳаваскор хаттот томонидан кўчирилган. Дастхати равон эмас. Достон кўчирилган варақ ўлчами 14 x 19.5 см. Матн икки устунда 10, 11 қатордан жойлаштирилган. Варақлари остида пойгир қўйилган.

1198 рақамли қўлёзма “Баёзи мажмуаи ашъор” шеърлар тўплами бўлиб, 19 шоирнинг туркий ҳамда форсий ғазал, мухаммас, соқийнома, “Ҳикояти Боязид Бистомий”, мунозара, мусаддас ва рубоийлари киритилган. Ўлчами 22.5 x 9. Баёз 109 варақдан иборат, пойгир берилмаган. Қўлёзманинг котиби ҳамда кўчирилган санаси номаълум. Манба тўқ жигарранг тери билан муқоваланган. Баёзга Нишотийнинг жами тўртта мухаммаси ҳамда “Қушлар мунозараси” маснавийси киритилган. Аммо маснавий тўлиқ ҳолда эмас. Муқаддима кўчирилмаган.

Ишда 156 рақамли қўлёзма таянч манба сифатида белгиланди. Мазкур қўлёзмада бешта мунозаранинг барчаси мужассамланган. Қолган қўлёзмалардан (1266, 1997) ёрдамчи вариантлар сифатида истифода этилди. “Қушлар мунозараси” учун 778/2 рақамидаги қўлёзма таянч нусха сифатида танланди. 1198 нусха эса ёрдамчи вариант вазифасини бажарди.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фасли “**Мунозаралар нашрининг мавжуд ҳолати ва унинг қўлёзма нусхалар билан қиёсий таҳлили**” деб номланади. Ҳозиргача Нишотийнинг бир қатор асарлари нашр этилди. Аммо улар мафкура талабига кўра турли қисқартиришлар билан эълон қилинган. Ҳозирги кунда шоир адабий меросини тўплаш ҳамда уни кенг жамоатчиликка тўлиқ ҳолда тақдим этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

“Ҳусну Дил” достони ва “Қушлар мунозараси” асарларининг нашр вариантлари мустақилликдан олдин амалга оширилган. 1967 йилги “Ҳусн ва Дил”. Достон. Шеърлар” китоби ҳозирги кунгача Нишотий асарларининг нисбатан тўлиқ нашридир. “Муборак мактублар” тўпламига Нишотий

²⁶ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 72 б.

мунозаралари ҳам киритилган. В.Абдуллаевнинг “Хоксор ва Нишотий” монографиясида Нишотий мунозаралари парча ҳолида берилган.

Асар таркибидаги сўз ёки байтларнинг ўзгартирилгани ёки қисқартирилгани унинг мазмунига жиддий таъсир ўтказган. Нашр ва қўлёзма нусхаларнинг қиёсий таҳлили асосида айирмаларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Шакл билан боғлиқ ўзгаришлар.
2. Мазмун билан боғлиқ ўзгаришлар.
3. Араб имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар.
4. Форс изофаси билан боғлиқ ўзгаришлар.

Шакл билан боғлиқ ўзгаришлар. Байт таркибидаги тушунилиши кийин бўлган сўзларнинг ўрнига котиб ёки ноширлар томонидан бошқа сўз қўлланиши шоир ифодаламоқчи бўлган фикрнинг ўзгаришига сабаб бўлган. Масалан, “Най ва Шамшод” мунозарасининг 102-байти 1987 йилги (284-бет) нашрда қуйидагича берилган:

Зотим эрур зебдеҳи гулистон,
Ман худ хамон урғоли ўт найситон²⁷.

Байтдаги “гулистон” ҳамда “хамон урғоли” сўзларининг биринчиси вазнига кўра, кейингиси эса мазмунига кўра байтдаги бошқа сўзлар билан уйғун эмас. 1967 йилги нашр (352-бет)да эса биринчи мисрадаги вазн сакталигига барҳам берилган бўлишига қарамай, иккинчи мисрадаги сўз янада кўполроқ “аймон” тарзида ўқилган. Қўлёзма нусхаларда “ایمان” шаклини “иймон” тарзида ўқиш мумкин. Аммо уни “аймон” тарзида ҳам, “хамон” кўринишида ҳам ўқиш имкони йўқ. Бу ўринда феълнинг инкор шакли бўлган “эмон” (эмасман) сўзи қўлланган. Агар сўз ўз ўрнига тикланса, мисранинг ҳам, умумий тарзда эса байтнинг ҳам маъноси мукаммаллашади, сакталиклардан холи бўлади:

ذاتيم ايرور زيبده گلستان
من خود ايمان اورغالى اوت نيستان

(1997 инв. 268^a-варақ, 156 инв. 313^a-варақ)

Аслида “гулистон” ҳам “гулситон” ҳам бир хил маънони билдиради, (گلستان *катта гулзор, гулбоғ*) лекин ушбу мисрада ҳам вазн, ҳам қофия талабига кўра “гулситон” варианты тўғри (–VV–/ –VV–/ –V–) бўлади. Негаки, байтдаги “гулистон” ҳамда “найистон” қофиялари арузий истилоҳ “**Тағйир**” (луғавий маъноси: “ўзгартириш”)ни юзага келтирган²⁸.

Аслида менинг зотим гулистонга чирой берадиган, зеб берадиган (демақдир) Мен, албатта, қамишзорда ўриб ташланадиган ўт (ўсимлик) эмасман.

“Урмоқ” феълига келинса, биринчи ҳолатга кўра бу феъл қўлланмаган. Ушбу матнда урмоқнинг маъно доирасига сиғадиган сўз ва сўз бирикмалари ҳам йўқ. “Ўрмоқ” эса ўз-ўзидан ўт (майса) билан ҳам, **найситон** (қамишзор) билан ҳам бевосита боғлана олади. Нашрларда акс этган “аймон”, “хамон”

²⁷ Қаранг: 1987. – Б. 284.

²⁸ Зоҳидова Д. Аруз сабоқлари. – Тошкент: Мумтоз сўз. 2016. – Б. 36.

“урғоли” сўзлари матн шаклига ҳам, мазмунга ҳам салбий таъсирини ўтказган, аниқроғи матн маъносига соя солган. Буларнинг ҳаммаси муаллиф кўзда тутган ғоянинг хиралашувига сабаб бўлган.

Мазмун билан боғлиқ ўзгаришлар. Бир қарашда ҳарфий ўзгариш тарзида намоён бўладиган имло хатоси матнга биз ўйлагандан кўра кўпроқ путур етказди. Ёмони, айрим ҳолларда ўзгаришга учраган сўз билан матннинг умумий мазмунидаги қўштирноқ ичидаги “яқинлик” шунга имкон бергандек тасаввур уйғотади. Аслида эса у муаллифнинг ғоявий-эстетик ақидаларига тамомила зид бўлган ҳолатларни юзага келтириб чиқаради. “Қушлар мунозараси” (1987)да шундай байт бор:

*Онда қушлар бариси кўндилар,
Келибон аёқини ўндилар (295-бет).*

Эътибор берилса, байтдаги қофияларнинг мукамал эмаслиги, уларда зўрма-зўракилик сезилиб туради. Қолаверса, қофияга тортилган сўзларнинг ўзаги “кўн” ва “ўп” сўзларидан иборат. Уларнинг кейинги қисми бир хил кўшимчалар (-дилар)дан шаклланган. Демак, бу қофия мумтоз қофия назариясига ҳам унинг амалиётига ҳам мос келмайди. Қўлёзма нусхаларда ушбу сўз “қоидилар”²⁹ шаклида кўчирилган. Бу эса маънони ойдинлаштиради.

Кўпмоқ قويماق турмоқ, қўзғалмоқ, кўтарилмоқ деган маъноларни билдирса, **Кўнмоқ** قونماق ўрнашмоқ (қушларга нисбатан) деган маъноларни билдиради. Демак, ушбу сўзлар мазмун жиҳатдан бир-бирига алоқадор эмас. Ношир кўчиришда нотўғри ўқиши натижасида хатоликка йўл қўйган.

Араб имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар. Араб тилида қисқа унлилар ёзувда ифодаланмайди. Бу ўринда табдилчидан ўта хушёрлик талаб этилади: у акс этмаган товушни ҳам тўғри топа билиши керак. Акс ҳолда, сўз нотўғри ўқилиб, матн маъноси ўзгариб кетиши ва ижодкор нияти англашилмай қолиши, бутунлай тескари маънода тушунилиши мумкин. Масалан (“Даф ва Гул” мунозарасидан):

*Илм элига шеър бидехий эди,
Шеърлари сеҳри шабиҳий эди*³⁰.

Қўлёзма манбаларда:

علم ايليگا شعر بديهي ايدى
شعرلارى سحرى شبيهي ايدى

(1997 инв., 261^б-варақ, 156 инв., 301^а-варақ)

Бадихий بديهي арабча сўз бўлиб, аниқ, равшан, исботга муҳтож бўлмаган деган маъноларни англатади³¹. “Бадиха”нинг “кутилмаган пайтда айтилган янги ва яхши сўз” экани ҳам яхши маълум. “Шабиҳ”, “Шабех” эса “мусаввир чизган нақш, расм”ни англатади³².

Байтда “Илм аҳлига шеър аниқ, аён бўлиб, уларнинг сўзлари худди сеҳрли эди”, – каби мазмун касб этган. Нашрлардаги “бидехий” сўзи

²⁹ Қаранг. 778/2 инв., 10-варақ; 1198 инв., 101^а-варақ; 1970, 17-бет; 1982, 89-бет.

³⁰ Қаранг: 1967, 344-бет; 1987, 276-бет.

³¹ Навоий асарлари луғати. / Тузувчилар: Шамсиев П., Иброҳимов С. Мухаррир: Муталлибов С. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, – Б. 80.

³² Фарҳанги тафсири забони тожикӣ. (иборат аз 2 жилд). /Зери таҳрири: С.Назарзода (раис), А.Сангинов, С.Каримов, Ҳ.Султон. – Пажўҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рӯдакӣ, Душанбе, с. 2008, – С 554.

байтнинг қофиясига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Яъни, бидеҳий-шабиҳий ўзаро мутаносиб эмас. Араб алифбосида қисқа унли ҳарфлар ифодаланмагани сабаб ношир “бадиҳий” сўзини “бидеҳий” тарзида нотўғри ўқиган ва хатоликка йўл қўйган.

Форс изофаси билан боғлиқ ўзгаришлар. Изофа белгисининг тушиб қолиши жиддий хатоликларни юзага келишига сабаб бўлади. Назаримизда, кўпроқ иккита ҳодиса кўзга ташланади: 1) сўзнинг нотўғри ўқилиши ундаги мантиқий яхлитликка путур етказди; 2) изофанинг туширилиши натижасида матннинг ритмик вазиятида ҳам ўзгариш юзага келади. Натижада вазнда ритмнинг бузилиши очик сезилади.

1960 йилги нашрда “Даф ва Гул” мунозарасининг уч байти (59, 73, 74-байтлар)гина берилган. Шу уч байт аслият билан қиёсланганда, уларнинг айрим сакталиклардан холи эмаслиги кўзга ташланди:

*Гарчи сани қўлга кўтарди гадо,
Бўлди наво истабон ул бенаво.
